

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШОЛДАРОВ ДИЛШОД АЗИМИДДИН ЎҒЛИ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ  
ШАРОИТИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ  
МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

УДК: 364.35-624(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Шолдаров Дилшод Азимиддин ўғли**

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида пенсия таъминотининг  
молиявий барқарорлигини таъминлаш.....3

**Шолдаров Дилшод Азимиддин угли**

Обеспечение финансовой устойчивости пенсионного обеспечения  
в условиях либерализации экономики.....29

**Sholdarov Dilshod Azimiddin ugli**

Supplying financial sustainability of pension provision in conditions  
liberalization the economy .....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....59

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШОЛДАРОВ ДИЛШОД АЗИМИДДИН ЎҒЛИ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ  
ШАРОИТИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИНИНГ  
МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси томонидан В2018.1.PhD/Iqt 511 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-сайтида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мухамедов Фарход Турсунбаевич**  
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Қўзиёва Наргиза Рамазановна**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Исламқулов Алимназар Худжамуратович**  
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Э.Ташмурадова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**С.У.Мехмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И.Каримқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ХХI асрда юз бераётган кескин демографик ўзгаришлар шароитда давлат ижтимоий ҳимоя тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) маълумотларига кўра, 2018 йил охирига келиб 65 ёшдан ошганларнинг миқдори 5 ёшли болаларнинг миқдоридан ошиб кетган ва бу жараён шундай давом этадиган бўлса, 2050 йилга бориб, 5 ёшгача бўлган ҳар бир болага 65 ёшдан ошган иккита кекса тўғри кела бошлайди”<sup>1</sup>. Бундай ҳолат пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатади ҳамда пенсия тизимини кўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш заруратини келтириб чиқаради. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда пенсионерлар сонининг кўпайиб бориши пенсия харажатларининг ҳам ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Хусусан, “2012-2017 йилларда давлат пенсия харажатларининг ЯИМдаги улуши Францияда 13,7 фоиздан 13,8 фоизга, Японияда 10,2 фоиздан 10,3 фоизга, АҚШда 6,8 фоиздан 7,0 фоизга, Туркияда 6,8 фоиздан 8,1 фоизга, Италияда 15,4 фоиздан 16,8 фоизга ортиши кузатилган”<sup>2</sup>. Бу кўрсаткичлар халқаро даражада пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш заруриятини кўрсатмоқда.

Дунё мамлакатларида бугунги кунда инсонларнинг ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиб бориши, туғилиш, ишсизлик ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳамда демография билан боғлиқ омиллар пенсия таъминоти учун кўшимча молиявий ресурслар жалб қилишни самарали ташкил этишни илмий асосланган ечимини топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пенсия ва ижтимоий фондлар халқаро ассоциацияси томонидан пенсия тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалаларига доир илмий изланишлар натижаларини эълон қилиб келмоқда. Тадқиқотларда пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва пенсия жамғармаси молиявий барқарорлигини ошириш масалалари кенг ёритилган, бироқ пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари етарлича очиб берилмаган. Бундай ҳолат ўз навбатида пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида мунтазам равишда илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўтган даврида пенсия таъминоти тизимида молиявий маблағларидан ноўрин фойдаланишларга барҳам бериш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашда аҳолининг иштирокини таъминлаш борасидаги бозор механизмларини жорий этиш, пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини

<sup>1</sup><https://sof.uz/news/show/21094>- сайти маълумотлари.

<sup>2</sup>[https://data.worldbank.org/indicator/sp.pop.65up.to.zs?end=2017&name\\_desc=false&start=1960&view=chart](https://data.worldbank.org/indicator/sp.pop.65up.to.zs?end=2017&name_desc=false&start=1960&view=chart).

таъминлаш мақсадида ривожланган давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда институционал ислоҳотларни амалга оширган ҳолда тизимни ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу жараёнда “пенсия таъминотини яхшилаш бўйича ҳам кўп ишлар қилишимиз лозим... пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш”<sup>3</sup> вазифаси белгилаб берилган. Фуқароларнинг кафолатланган ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини кафолатлашда, пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий адолати ва самарадорлигини оширишда, фуқароларнинг меҳнат ҳиссаси ва пенсия миқдори ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлашда пенсия таъминоти молиявий барқарорлигини таъминлаш устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонлари, 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан 2018 йил 16 сентябрда тасдиқланган “Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича тақлифлар тайёрлаш ва 2019-2030 йилларда давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари Дастурида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ижтимоий таъминот ва пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи ижтимоий ҳимоя тизимининг муҳим йўналиши сифатида қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлиги хорижлик иқтисодчи-олимлардан<sup>4</sup> Ж.Пенг, В.Роик,

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь. №271-272 (7229-7230). – Б. 1.

<sup>4</sup>Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 10th Edition. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – 340 p.; Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб. «Питер», 2014. – 352 с.; Борисенко Н.Ю. Пенсионное обеспечение. Учебник. – М.: «Дашков и К0», 2009. – 240 с.; Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации. Монография. – Курган: “Изд-во Курганского гос. ун-та”, 2013. – 106 с.; Чупрова Е.В. Пенсионное обеспечение граждан в Российской Федерации. Учебное пособие. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2017. - 144 с.; А.В.Пудовкин. Мировой опыт формирования пенсионных систем и возможности его использования в России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва: “МГИМО”, 2017. – 26 с. В.А.Бурденко.

Н.Борисенко, С.Орлов, А.Шеметов, Е.Чупрова, А.Пудовкин, В.Бурденко, А.Ижаевлар томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда пенсия тизими ривожланишининг назарий асослари ва ўзига хос хусусиятлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида пенсия таъминотининг аҳамияти, қарилик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсия суғурталари, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш масалалари, пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асослари, пенсия таъминоти тизимидаги илоҳотлар, пенсия тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ҳамда нодавлат пенсия таъминотининг назарий ва амалий жиҳатлари маҳаллий иқтисодчи олимлар З.Абдуллаев, А.Вахабов, А.Исламкулов, Г.Касимова, Н.Мажидов, Т.Маликов, Б.Маматов, Ш.Ражабов, Д.Рустамов, Б.Умурзоқов, З.Бекназаров каби маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган ва бу анъана давом этмоқда<sup>5</sup>.

Сўнгги йилларда ҳимоя қилинган Д.Рустамовнинг “Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари” мавзусидаги докторлик (DSc) диссертация ишида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий-услубий асослари, даромадлари ва харажатлари тадқиқ этилган. Ш.Ражабовнинг докторлик (PhD) диссертация ишида эса нодавлат пенсия жамғармаларининг назарий ва ташкилий асослари ўрганилган. З.Бекназаровнинг илмий тадқиқот ишида Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Бироқ, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида халқаро илғор тажрибаларни эътиборга олган ҳолда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари алоҳида, мустақил илмий йўналиш сифатида комплекс тадқиқ этилмаган. Мазкур ҳолат ҳам ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини англатади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот**

---

Приоритетные направления развития российской системы обязательного накопительного пенсионного страхования в современных условиях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва: “Всероссийский центр уровня жизни”, 2016. 32 с. А.Р.Ижаева. Концепция развития пенсионной системы российской федерации в посткризисный период. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва: “Государственный Университет Управления”, 2013. – 31 с.

<sup>5</sup> Абдуллаев З. Пенсия таъминоти тизими ва унинг долзарб муаммолари. “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. № 2, октябрь, 2016 йил. <http://interfinance.uz/en/archiv/223-archiv2>; Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. Монография. – Тошкент: «Фан», 2005. – 157 с.; Вахабов А., Мажидов Н. Жамғариб бориладиган пенсия жамғармасининг Ўзбекистонда инвестиция сийсатини амалга оширишдаги роли. Монография. – Тошкент: “Университет”, 2017. – 128 б.; Рустамов Д. Ўзбекистонда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари. Монография. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 200 б.; Islamkulov A.Kh. Pension system and pension reforms in Uzbekistan // MPM-GEPS. Civil service pension scheme. International conference. September 5-6, 2018. ICC Jeju, Korea. 150-155 pp; Ш.У.Ражабов. Нодавлат пенсия жамғармаларини шакллантириш ва инвестицион фаолликни ошириш. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2018. – 66 б.; Маматов Б. Пенсия жамғармаси фаолияти. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Баркамол файз медиа”, 2017. – 280 б.; З.Э.Бекназаров. “Ўзбекистонда пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини ошириш масалалари”. Иқт. фан. бўй. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2019. – 57 б.

иши Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

пенсия таъминотини маблағ билан таъминлашнинг иқтисодий асосларини тадқиқ этиш;

пенсия таъминотининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ҳамда ташкил этиш механизминини ўрганиш;

“пенсия таъминотининг молиявий барқарорлиги” тушунчасини тавсифлаш ва унинг хусусиятларини аниқлаш;

пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва тавсифлаш;

пенсия таъминоти молиявий барқарорлигининг хорижий давлатлар тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш асосида уларни ҳал этишга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари таркиби ҳамда унинг ўзгариш динамикасини тадқиқ этиш;

пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини баҳоловчи индикаторларни аниқлаш;

пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва жамғариб бориладиган пенсия тизими фаолияти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, абстракт-мантикий фикрлаш, индукция ва дедукция, иқтисодий таҳлил, истиқболли прогнозлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

пенсия жамғармаси харажатларини оптималлаштириш мақсадида зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ҳамда дафн этиш маросим учун нафақаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш таклиф этилган;

фуқароларнинг пенсия миқдорлари уларни меҳнат стажлари давомийлиги ва иш ҳақига боғлиқ бўлиши ҳамда уларни суғурта тизимида



фаол қатнашишларини рағбатлантириш механизми такомиллаштирилган;

истикболда пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич ошириб бориш, бунда фуқароларнинг пенсияга чиқиш ҳуқуқини олишлари учун меҳнат стажи ва пенсия ёшига бўлган талабни қайта кўриб чиқиш таклиф этилган;

ишловчи шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлари ҳисобидан Пенсия жамғармасига ишламаётган оила аъзолари учун ихтиёрий равишда ҳар бир ой учун кўшимча суғурта тўловлари (бадаллари)ни тўлаш ҳуқуқини бериш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“пенсия”, “нафақа” ва “пенсия таъминотининг молиявий барқарорлиги” тушунчаларига такомиллаштирилган муаллифлик таърифи шакллантирилган;

давлат пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар, молиявий барқарорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар ва уларнинг хусусиятлари аниқланган;

пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни ҳал этиш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар асосланган;

илғор хориж тажрибалари асосида пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муайян меъёрий ҳужжатлар, тегишли муассасаларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Статистика қўмитаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва АТ “Халқ банки”нинг ҳисобот маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мамлакатимизда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашга бағишланган махсус, мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришда кенг кўламда фойдаланишнинг мумкинлиги диссертация натижаларининг илмий аҳамиятини ифодалайди.

Диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлашда, жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантиришда, пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда ҳамда пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқишда фойдаланишнинг мумкинлиги диссертациянинг амалий аҳамиятини белгилаб беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш борасида олинган илмий натижалар асосида:

пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланувчи нафақаларни

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг 2019 йил 4 мартдаги ШД/30-01-32-240-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга қўллаш натижасида бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг йилига ўртача ҳисобда 237,7 млрд. сўм миқдордаги маблағларини иқтисод қилинишига ва жамғарманинг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини яратган;

меҳнат стажлари давомийлиги ва иш ҳақига боғлиқ бўлиши ҳамда ижтимоий суғурта тизимида фаол қатнашишларини рағбатлантирувчи механизмларини жорий этиш тўғрисида таклифи Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан 2018 йил 16 сентябрда тасдиқланган (19.09.2018 й., 16118-сон) мажлис баёнининг 2-иловаси “Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва 2019-2030 йилларда давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари дастури”да ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг 2019 йил 4 мартдаги ШД/30-01-32-240-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши пенсия таъминоти тизимининг ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш, қонунчиликда тўғридан-тўғри таъсир этувчи нормаларни жорий қилиш, пенсияларни ҳисоблашнинг содда ва шаффоф ҳамда рағбатлантирувчи характердаги механизмларини жорий қилиш, ижтимоий адолат принципларининг таъминланишига хизмат қилган;

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аҳоли бандлиги, иш ўринларининг яратилиши, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигининг ошиб бориши, тиббиёт соҳасининг тараққиёти каби омилларни ҳисобга олган ҳолда истиқболда пенсияга чиқиш ёшини босқичма-босқич ошириб бориш, бунда фуқароларнинг пенсияга чиқиш ҳуқуқини олишлари учун меҳнат стажи ва пенсия ёшига бўлган талабни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан 2018 йил 16 сентябрда тасдиқланган (19.09-сон) мажлис баёнининг 2-иловаси “Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва 2019–2030 йилларда давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари дастури”да ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг 2019 йил 4 мартдаги ШД/30-01-32-240-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши иш стажига мутаносиб равишда пенсия миқдорларини ошириш ҳамда пенсия таъминоти тизимининг мувозанатлашган ҳолдаги молиявий барқарорлигини таъминланишига хизмат қилган;

истикболда фуқароларни кафолатланган пенсия таъминоти билан қамраб олиш мақсадида ишловчи шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлари ҳисобидан Пенсия жамғармасига ишламаётган оила аъзолари учун ихтиёрий равишда ҳар бир ой учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча суғурта тўловлари (бадаллари)ни тўлаш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан 2018 йил 16 сентябрда тасдиқланган (19.09-сон) мажлис баёнининг 2-илоvasи “Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва 2019–2030 йилларда давлат пенсия тизимини ислоҳ қилиш Концепциясини ишлаб чиқиш чоратadbирлари дастури”да ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи аппаратининг 2019 йил 4 мартдаги ШД/30-01-32-240-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида фуқароларнинг пенсия суғуртаси тизими билан қамраб олиш даражаси оширилган ва пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 8 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган. Тадқиқот жараёнида олинган илмий натижалардан “Ижтимоий таъминот” ва “Пенсия иши” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, миллий ОАК эътироф этган журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференциялари тўпламларида 10 та тезислар нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилиниши ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Пенсия таъминоти молиявий барқарорлигининг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий асослари**” деб номланган

биринчи бобида пенсия таъминоти тизимининг мазмун-моҳияти, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги роли, пенсия таъминотининг молиявий барқарорлиги ва унинг омиллари, пенсия таъминотини ташкил этишнинг хориж тажрибалари тадқиқ этилган. Диссертация вазифаларидан келиб чиққан ҳолда пенсия таъминоти молиявий барқарорлигининг назарий-ҳукуқий ва ташкилий-иқтисодий тизимини асосларига таллуқли назарий натижа ва хулосалар шакллантирилган.

Ўзбекистонни ўрта муддатли ривожлантириш юзасидан ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида халқимизнинг фаровонлиги янада ошиб, аҳолининг турмуш даражаси кўтарилмоқда. Хусусан, пенсия таъминоти соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан давлат пенсиялари миқдорини муттасил оширилиши ва айрим қатламдаги пенсия олувчиларга имтиёзлар қўлланилиши натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг манзилли қўллаб-қувватлашга эришилмоқда. Ишлаётган пенсионерларга, айрим тоифадаги ишловчиларга нисбатан пенсияни тўлиқ тўлашнинг йўлга қўйилиши ва бошқа қатор тадбирлар пенсия таъминоти молиявий барқарорлиги таъминлаш билан тизимли тарзда шуғулланишни заруратга айлантирмоқда.

## 1-жадвал

### Пенсия таъминоти моделлари<sup>6</sup>

№	Модел номи	Иқтисодий мазмуни ва хусусиятлари	Қўлланиладиган давлатлар
1.	Бисмарк модели	Ижтимоий суғурта. Мажбурий ижтимоий пенсия суғуртаси жорий қилинган. Жамият барча аъзоларига даромад топишга ижтимоий таъминот учун имконият яратилади. Давлатнинг асосий вазифаси аҳоли даромадларни ошириш ва ижтимоий ҳимоялаш. Масъулият ишловчи зиммасига юклатилади.	Германия, Австрия, Бельгия, Италия, Испания
2.	Беверидж модели	Икки (уч) поғонали ижтимоий суғурта тизими ва давлат кафолати. Ҳар бир фуқаро касалланганда, кексайганда давлат томонидан ҳимояланиши керак. Давлатнинг асосий вазифаси – кафолатланган ижтимоий ҳимоянинг минимал даражасини таъминлаш. Масъулият давлат зиммасига юклатилади.	Буюк Британия, АҚШ, Нидерландия, Швеция, Франция, Япония
3.	Совет модели*	Давлат ижтимоий таъминоти. Мазкур модел синфий ижтимоий бирдамликка асосланади. Давлат бюджетидан таъминланади, суғурталанган шахсга тизимни молиялаштиришда иштирок этиш бўйича муайян мажбуриятларни юкламайди. Иштирокчиларга маълум ҳуқуқларни, жумладан, ногиронлик нафақаси, боқувчисини йўқотганлик нафақалари олиш ҳуқуқини тақдим этади. Ушбу моделда асосий оғирлик давлат бюджети ва иш берувчилар, яъни хўжалик субъектлари зиммасига юклатилади.	Собиқ Иттифок давлатлари, Дания, Австралия, Янги Зеландия


Бугунги кунда иқтисодий ҳаётни пенсия тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди, ҳар бир давлат ўз пенсия тизимига эга. Давлат ўз йўналиши,

<sup>6</sup>Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан тайёрланди.

турини ва тўлов функцияларини белгилаб олиб, пенсия жамғармалари бошқарилади ва ташкил этилади. Пенсия тизими давлат томонидан ташкил этилган барча ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий, ташкилий институтлар меъёрлари асосида фуқароларни моддий таъминот кўринишидаги нафақалар билан мақсадли таъминлаш ҳисобланади.

Пенсия таъминоти тизими умумдавлат миқёсида XIX асрнинг охирларида ижтимоий суғурта механизмига асосланган ҳолда ташкил этилган бўлиб, тизимнинг молиявий таъминоти ижтимоий суғурта бадаллари ҳисобидан шакллланган. Ижтимоий суғуртага асосланган пенсия тизимининг молиявий таъминотида давлатнинг иштироки минимал даражада бўлган. Хусусан, О.Бисмарк томонидан жорий этилган пенсия суғуртаси тизимида давлатнинг молиявий иштироки минимал бўлган бўлса, II жаҳон уруши натижасида ижтимоий суғурта фондлари тугатилиши ортидан пенсия таъминоти тизими давлат томонидан молиявий таъминланиши зарурлиги инглиз иқтисодчи У.Беверидж томонидан эътироф этилган<sup>7</sup> (1-жадвалга қаранг).

Пенсия таъминотининг молиявий ҳолатини баҳолашда мавжуд пенсия турлари, пенсия тизимга ажратилаётган ажратма ва унинг тушуми барқарорлиги, пенсияни тайинлаш ва тўлаш каби муҳим омилларни инобатга олиш муҳим саналади. Шу боисдан, ушбу тадқиқот ишида пенсия таъминоти тизимининг таркибий тузилишини кўриб чиқилган.



**1-расм. Ўзбекистон Республикасида давлат пенсия таъминоти тизими<sup>8</sup>**

Илмий тадқиқот ишида яна бир муҳим жиҳатни эътиборга олиш лозимки, у ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятлидир. Миллий пенсия тизими ташкил этилишида давлат хизмати тизимида алоҳида аҳамиятли бўлган соҳаларда фаолият юритган шахсларнинг пенсия таъминоти

<sup>7</sup> История экономических учений: Современный этап: Учебник / Под общ. ред. А. Г. Худокормова. – М.: ИНФРА-М, 2009. – С. 158.

<sup>8</sup> Тадқиқотчи томонидан мустақил тайёрланди.

ижтимоий суғурта тизимидан алоҳида ҳолда ташкил этилган. Бундай шахслар тоифасига: ҳарбий хизматчилар, ички ишлар тизими ходимлари, фавкулда вазиятлар вазирлиги тизимида фаолият юритувчилар, давлат хавфсизлиги хизматида фаолият юритувчилар ва шу каби давлат хизматчиларининг пенсия таъминоти алоҳида тартиблар асосида ташкил этилади (1-расмга қаранг). Чунончи, амалдаги ижтимоий суғурталаш механизми орқали ташкил этилган пенсия тизими аъзоларининг пенсия таъминоти бюджетдан ташқари пенсия жамғармасидан молиялаштирилса, юқорида санаб ўтилган тизимларда фаолият юритганларнинг пенсия таъминоти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мамлакатда бозор иқтисодиёти тамойилларининг босқичма-босқич жорий этилиб борилиши баробарида давлат пенсия таъминотига параллел равишда фуқароларнинг шахсий жамғарилиб бориладиган пенсия тизими ҳам жорий этилди.

Мазкур ислоҳот пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашга, аҳолини ижтимоий таъминотини таъминлаш бўйича давлат зиммасидаги юкни енгиллаштиришга хизмат қилиши назар тутилди. Шу билан бирга, давлат томонидан ташкил этиладиган тизим билан нодавлат хусусий пенсия тизимларининг объектив зарурият эканлиги қуйидаги жиҳатлар билан асосланади: бирламчи, замонавий бозор механизмлари ва халқ ҳокимиятчилиги жамият аъзоларига кенгроқ қулайликлар ва ҳукумат тасарруфидан алоҳида бўлиш имкониятини бериши билан биргаликда, жамият аъзоларига шахсий мустақил ҳаётларини барпо этиш, моддий жиҳатдан таъминланишида улкан масъулиятни юклайди. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси меҳнатга яроқли ёшидаёқ, олдиндан, кексайганда ёхуд меҳнат лаёқатини йўқотган ҳолатда ўзининг моддий таъминотига қайғуриши лозим; иккиламчи, ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти даражасидан қатъий назар, унинг иқтисодий ресурсларининг чегараси мавжуд.

Ҳар қандай ҳукуматнинг фуқароларини меҳнат лаёқатини йўқотгунларигача бўлган даврда ижтимоий таъминланганликнинг стандарт даражасида моддий таъминлаш имконияти йўқ. Шу боисдан, ҳукумат жамият аъзоларининг ижтимоий таъминланганлик даражасини ўзининг иқтисодий ҳолатига мос ҳолда белгилайди.

Илмий тадқиқотда пенсия тизимининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар тақсимланувчи пенсия тизимига устуворлик берилган ҳолда кўриб чиқилган. Пенсия тизими моделларининг молиявий ҳолатини тадқиқ қилишда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Пенсия тизимининг молиявий ҳолати (барқарорлиги)ни баҳолашда қамров коэффициенти, босим коэффициенти, қоплаш коэффициенти каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Мазкур кўрсаткичлар бир томондан пенсия тўловлари аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини ифодаласа, бошқа томондан пенсия тизимининг молиявий ҳолати ҳақида ахборот беради.

**Пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини баҳоловчи  
кўрсаткичлар<sup>9</sup>**

Кўрсаткич номи	Формуласи	Мазмуни
Қамров коэффициенти	$K_k = \frac{A_c}{A_y}$	Суғурталанган аҳоли улушини ҳамда суғуртага тортилган меҳнат ҳақи даромадлари даражасини кўрсатадиган кўрсаткич (1 га тенг бўлиши керак)
Босим коэффициенти	$K_b = \frac{I_a}{P_a}$	Пенсия таъминоти тизимига суғурта бадали тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати (4/1)
Қоплаш коэффициенти	$K_k = \frac{\text{ЎПМ}}{\text{ЎИХМ}}$	Пенсионернинг пенсияси миқдорининг меҳнат қилган даврида олган иш ҳақининг нисбати тарзида аниқланади (0,4)

Бу ерда:  $K_k$  – қамров коэффициенти;  $A_c$  – меҳнатга яроқли аҳолининг пенсия тизимида иштирок этаётганлари сони;  $A_y$  – меҳнатга яроқли аҳоли сони;  $K_b$  – босим коэффициенти;  $I_a$  – пенсия тизимида иштирок этаётган ишловчи аҳоли сони;  $P_a$  – пенсия тизимидан ижтимоий тўловлар қабул қилувчилар сони;  $K_k$  – қоплаш коэффициенти;  $\text{ЎПМ}$  – ўртача пенсия миқдори;  $\text{ЎИХМ}$  – ўртача иш ҳақи миқдори.

Пенсия тизими таҳлилида, унинг амалдаги ҳолатига баҳо беришда пенсия таъминотида аҳолининг иштироки даражаси муҳим кўрсаткичдир. Биламизки, аҳолининг бирдамлашган пенсия тизими барқарор бўлишида унда иштирок этувчилар сони ва даражасига эътибор қаратилади, пенсия тизимлари томонидан амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоянинг самарадорлигини белгилаш имконини беради. Мазкур коэффициент назарий жиҳатдан бирга тенг бўлиши мумкин, лекин буни амалда иложи йўқ, сабаби барча меҳнатга яроқли аҳолини иш билан 100 фоиз таъминлаш амалда мумкин эмаслиги илмий жиҳатдан исботланган. Шу нуқтаи назардан қамров коэффициенти қанчалик бирга яқин бўлса, пенсия тизими шунчалик яхши йўлга қўйилган бўлади ва аксинча.

Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига кўра, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими барқарор фаолият юритиши учун пенсия таъминоти тизимига суғурта бадали тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати 4:1 даражада бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Аммо, мазкур кўрсаткич жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатларида ҳам иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатлардаги каби тавсия этилганидан бирмунча ёмонроқдир. Бу кўрсаткичнинг ҳолатига умумий ҳолда меҳнатга лаёқатли аҳолининг пенсия таъминотига қамраб олиниш даражасининг пастлиги, бу ҳолат мамлакатдаги иқтисодий вазият ёмонлашган, ишсизлик даражаси ортган, натижада пенсия тизимида қатнашувчилар сони камайган ҳолатларда юзага келади ва бундай ҳолатнинг узоқ муддат сурункали давом этиши пенсия тизимида инқирозларни

<sup>9</sup> Тадқиқотчи томонидан мустақил тайёрланди.

келтириб чиқаради. Пенсия таъминотида қамров даражаси юқори бўлган ривожланган мамлакатларда эса пенсионерлар салмоғининг юқорилиги таъсир кўрсатади. Аммо, учинчи ҳолатни ҳам унутмаслик керакки, пенсия тизимига узоқ йиллар давомида аҳолининг қамраб олинмаслиги, меҳнатга лаёқатли аҳолининг каттагина қисми пенсия тизимидан четда қолиши оқибатида маълум давр ўтиб фақат пенсия тизимида иштирок этиб пенсияга чиққанлар ва тизимга бадал тўловчилар ўртасидаги нисбат барқарор бўлиши мумкин, бу ҳолга юқорида кўриб ўтилган қамров коэффициенти орқали баҳо берилди.

Пенсия таъминоти тизимининг ташкил этилишида, биринчи навбатда, пенсионерларнинг моддий таъминотини етарли даражада таъминлай олиш ҳисобга олинади, яъни пенсионернинг пенсияси унинг кундалик эҳтиёжларини қондира олиши зарур. Қоплаш коэффициенти пенсионернинг пенсияси миқдорининг меҳнат қилган даврида олган иш ҳақининг нисбати тарзида аниқланади. Умумий макроиктисодий нуқтаи назардан мазкур кўрсаткич ўртача пенсиянинг ўртача ойлик иш ҳақига нисбати орқали аниқланади ва 40 фоиздан юқори бўлиши, ижобий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистонда умумий белгиланган пенсияга чиқиш ёши 1956 йилда собиқ Иттифоқ мамлакатлари фуқароларининг пенсия таъминоти қонунчилиги билан белгиланган миқдорда (аёлларга 55 ёш, эркекларга 60 ёш) сақланиб турибди. Ўша даврнинг статистикасига назар соладиган бўлсак, ўртача умр кўриш давомийлиги 47 ёшни ташкил этганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ўртача умр кўриш давомийлиги кўрсаткичи сўнги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, жумладан, 1991 йилда ушбу кўрсаткич 66,4 ёшни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 70,8 ёшни, 2010 йилда 73,0 ёшни, 2017 йилда 73,8 ёшни (аёлларда – 76,2 ёш, эркекларда – 71,4 ёш) ташкил этган.

Диссертациянинг **“Пенсия таъминоти молиявий барқарорлигининг амалдаги ҳолати таҳлили”** номли иккинчи бобида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий ҳолати, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими таҳлили ҳамда пенсия таъминоти молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили амалга оширилган.


Инсоният цивилизацияси юзага келган даврдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар жамиятда кексалар, меҳнатга лаёқатсизлар, вояга етмаганлар ва бошқа ижтимоий таъминотга муҳтожларни жамият томонидан яратилган моддий неъматлардан жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида баҳраманд бўлишларини таъминлаш тизими шаклланиб келди. БМТ ҳисоб-китобларига кўра, 2017 йилда дунё аҳолисининг 962,3 миллион нафарини 60 ёшдан ошганлар ташкил этмоқда<sup>10</sup>, бу эса дунё аҳолисининг қарийб 13 фоизини ташкил этади.

Давлат фуқаролар ўз турмуш даражаларини оширишлари учун уларга тегишли қонунлар тизими орқали зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиши ва уларнинг бу борадаги интилишларини қўллаб-қувватлаши лозим.

<sup>10</sup> [http://www.un.org/en/development/desa/population/publications/pdf/ageing/WPA2017\\_Highlights.pdf](http://www.un.org/en/development/desa/population/publications/pdf/ageing/WPA2017_Highlights.pdf).



Иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги ўзаро нисбат ўзгариб борган сари бу икки омил, албатта, ижтимоий таъминот тизимига ўз таъсирини кўрсатади.



2-расм. 2019 йилда пенсия жамғармаси даромадлари таснифи<sup>11</sup>

<sup>11</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан мустақил шакллантирилган.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида пенсия тизимини ташкил қилишда асосий ўринни тақсимланувчи пенсия схемалари эгаллайди, жамғарилувчи пенсия таъминоти, асосан, тақсимланувчи тизимга қўшимча равишда ташкил этилган, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Шу нуқтаи назардан пенсия тизимининг молиявий барқарорлиги тадқиқ этилганда урғу устувор аҳамият касб этадиган тақсимланувчи пенсия тизимига қаратилади.

Ўзбекистонда ҳам тақсимланувчи пенсия тизими аҳолини ижтимоий таъминоти тизимида устувор аҳамият касб этади ва давлат пенсия таъминотини амалга ошириш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига юклатилган.

Сўнгги йилларда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари таркибида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Шундай келиб чиққан ҳолда Пенсия жамғармаси даромадлари таркибини 2 гуруҳга таснифлаш мумкин (2-расмга қаранг).

Мажбурий тартибда тўланадиган тўловлар ва ихтиёрий тартибда Пенсия жамғармасига тўланадиган тўловлардир. Бундан кўринадики, корхона ва ташкилотлар, оилавий тадбиркорлик субъекти ва унинг оиласи аъзолари, “Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари” Кенгаши, деҳқон хўжалиги бошлиғи, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва улар томонидан ёлланган ходимлар мажбурий тартибда Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлайдилар.

Ишловчилар ва юридик шахслар товар айланмасидан олинadиган мажбурий меъёрлар улуши ўсиш суръатига эга. 2018-йилда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига товар (иш, хизматлар) қийматидан мажбурий ажратманинг ундирилиш механизмига ўзгартириш киритилди. Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ҳамда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалар битта давлат мақсадли жамғармаларига ажратмаларга бирлаштирилди ва умумий солиқ ставкаси 3,5 фоиздан 3,2 фоизгача пасайтирилди. Ушбу маблағлар жами тушумининг 46,8 фоизи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тушиши белгиланган.

Пенсия таъминотининг молиявий барқарорлиги унинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносиблик даражаси билан белгиланади. Давлат пенсия таъминоти тизимини ташкил этишда ҳукумат имкон қадар иқтисодийга энг кам таъсир этадиган ва иқтисодий ўсишга салбий таъсир ўтказмасдан ташкил этишга ҳаракат қилади, аммо танганинг иккинчи томони ҳам борки, пенсия ва ижтимоий тўловларни молиявий таъминлаш пенсия фондларини тўлдириш учун давлат мажбурий ижтимоий тўловлар ва бадаллар тўловини ташкил этади. Давлат томонидан ташкил этилган пенсия фондлари ишловчиларнинг ва иш берувчиларнинг бадаллари ҳисобига шаклланади. Зарурат туғилган ҳолларда эса давлат пенсия фондлари давлат ижтимоий трансфертлари ҳисобидан молиялаштирилиши ҳам мумкин.

2018 йилга қадар Пенсия жамғармасининг асосий молиявий таъминоти ягона ижтимоий тўловдан ажратма, ишловчиларнинг мажбурий суғурта бадаллари, товар (иш, хизматлар) реализацияси ҳажмидан мажбурий

ажратма, ихтиёрий суғурта бадаллари ҳисобидан шакллантирилган. 2013-2018 йилларда айнан мажбурий суғурта бадали ставкаси 5,5 фоиздан 8 фоизгача оширилган бўлса, товар (иш, хизмат) реализация ҳажмидан мажбурий ажратма ставкаси 1,6 фоиз қилиб белгиланган. 2018 йил охирига Пенсия жамғармасида ижобий қолдиқ 3007,0 млрд.сўмни ташкил этган.

### 3-жадвал

#### 2013-2018 йилларда Пенсия жамғармаси даромадлари<sup>12</sup>, млрд. Сўмда

№	Кўрсаткичлар	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й
1.	Йил бошига қолдиқ	785,7	1472,4	2564,4	2118,7	2310,7	3007,5
2.	Ягона ижтимоий тўловдан ажратма	5957,4	7338,6	7611,3	8774,7	10280,5	11808,0
3.	Суғурта бадаллари	1599,1	2036,2	2595,6	3121,5	3940,6	4466,3
4.	Маҳсулот (хизмат) реализацияси ҳажмидан мажбурий ажратмалар	1436,4	1505,8	1197,4	1354,7	1804,9	2059,9
5.	Бошқа даромадлар	748,9	902,1	1130	1421	1681,4	1898,4
<b>Жами маблағлар</b>		<b>10527,5</b>	<b>13255</b>	<b>15098,7</b>	<b>16790,7</b>	<b>20018,1</b>	<b>23240,1</b>

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида Пенсия жамғармасининг молиявий маблағлари ишламайдиган ва ишлайдиган пенсионерлар учун пенсиялар, кекса ва меҳнатга лаёқатсизлар учун нафақалар тўлаш, дафн учун нафақа ва бошқа нафақалар тўлашга йўналтирилади. 2018-йилда Пенсия жамғармаси молиявий ресурслари ҳисобидан молиялаштирилган пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг умумий миқдори 20475,2 млрд.сўмни ёки ЯИМ нинг 6,5 %ини ташкил қилган (4-жадвал).

### 4-жадвал

#### 2013-2018 йилларда Пенсия жамғармаси харажатлари<sup>13</sup>, млрд.сўмда

№	Кўрсаткичлар	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й
1	Ишламайдиган пенсия олувчилар	8749,7	10334,4	12470,6	13894,6	15970,8	19586,9
2	Ишловчи пенсионерлар	278,9	316,9	387,3	430,4	486,7	616,6
3	Кекса ва меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги фуқароларга, дафн учун нафақалар ва бошқа тўловлар	22,4	31,2	120,4	152,6	174,6	237,7
4	Бошқа харажатлар	4,2	4,3	5,6	2,2	1,2	34,0
<b>Жами маблағлар</b>		<b>9055,2</b>	<b>10686,8</b>	<b>12984</b>	<b>14479,8</b>	<b>16633,3</b>	<b>20475,2</b>

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки пенсия жамғармаси харажатларининг юқори улушга эга бўлган қисми, ишламайдиган пенсия олувчиларга тўғри келади (19586,9 млрд.сўм). Яна бир катта улушга эга бўлган қисми кекса ва меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги фуқароларга, дафн учун нафақалар ва бошқа тўловлар (237,7 млрд.сўм)ни ташкил этмоқда. Прогнозларга кўра, ёшга доир пенсияга чиқувчилар сонининг ортиши ҳисобига бу кўрсаткич келгуси йилларда янада ортиши кутилмоқда. Шунингдек назардан 237,7 млрд.сўмлик кекса ва меҳнатга лаёқатсиз ёшдаги фуқароларга, дафн учун нафақалар ва бошқа тўловларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириши, пенсия жамғармасини молиявий барқарорлиги янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда ҳозирда 3,4 млн.дан ортиқ пенсионер мавжуд бўлиб, мамлакат аҳолисининг тахминан 10 фоизини ташкил этмоқда (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### 2013-2018 йилларда Пенсия жамғармасидан пенсия ва нафақа олувчилар сони<sup>14</sup> (нафар)

т/р	Кўрсаткичлар	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й
1	Ёшга доир	2147549	2181771	2262990	2369317	2481488	2582790
2	Ногиронлик	382757	371374	358572	351546	359291	366212
3	Боқувчисини йўқотганлик	165317	160784	160056	161224	166842	168696
4	Ижтимоий нафақа олувчилар	225949	233938	244576	259069	289132	311611
<b>Жами пенсия ва нафақа олувчилар сони</b>		<b>2921572</b>	<b>2947867</b>	<b>3026194</b>	<b>3141156</b>	<b>3296753</b>	<b>3429309</b>

Жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки 2013 йилда Пенсия жамғармасидан ёшга доир пенсия олувчилар 2147549 нафарни ташкил қилган, жамига нисбатан 73,5 фоизни ташкил қилмоқда, ногиронлик пенсиясини олувчилар 382757 нафарни ташкил этган жамига нисбатан 13,1 фоизни ташкил этмоқда, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар 165317 нафарни ташкил этган бўлса, жамига нисбатан 5,7 фоизни ташкил этмоқда, ижтимоий нафақа олувчилар 225949 нафарни ташкил қилган бўлса, жамига нисбатан 7,7 фоизни ташкил этмоқда.

2013 йилда Пенсия жамғармасидан ёшга доир пенсия олувчилар 2582790 нафарни ташкил қилган, жамига нисбатан 75,3 фоизни ташкил қилмоқда, ногиронлик пенсиясини олувчилар 366212 нафарни ташкил этган жамига нисбатан 10,7 фоизни ташкил этмоқда, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчилар 168696 нафарни ташкил этган бўлса, жамига нисбатан 4,9 фоизни ташкил этмоқда, ижтимоий нафақа олувчилар 311611 нафарни ташкил қилган бўлса, жамига нисбатан 9,1 фоизни ташкил этмоқда.


Ўзбекистон аҳолисининг кексайиш тенденцияларидан шуни англаш мумкинки, аҳоли таркибида пенсия ёшидаги аҳолининг салмоғи ўсиб

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

бормоқда (2018 йилда ёшга доир пенсия олувчиларнинг жами аҳолидаги улуши 7,4 фоизни ташкил этиб, 2010 йилдаги 5,9 фоизга нисбатан 1,5 ф.п.га ортган). Мамлакатимизда 2016 йилдан ҳозирга қадар ёшга доир пенсияга чиқувчилар сонининг кўпайиб бормоқда (ўртача йиллик кўпайиш – 206 минг киши) ва статистик таҳлиллар кўрсатишича, пенсия тайинлашдаги амалдаги тартиблар ва мезонлар сақланиб қолинган тақдирда, 2025 йилда бу ўсиш 300 минг кишидан ортиқ бўлади. Статистика идораларининг ҳисоблашларича, жорий 2019 йилда пенсия ёшидаги мамлакат аҳолиси 9 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда ҳамда 2025 йилдан бошлаб бу салмоқ 11 фоиздан ортиши кутилмоқда<sup>15</sup>. Бу ҳол мунтазам равишда пенсия таъминоти учун харажатларни ошириб бориш заруратини келтириб чиқаради, Пенсия жамғармаси тушумларини кўпайтиришни тақозо қилади.

Мамлакатда пенсия таъминотини ислоҳ қилиш доирасида 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон Қарори билан Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадиган зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ва дафн маросимлари учун тўланадиган нафақалар 2019 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланди. Пенсия таъминоти тизимида ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг юқори чегараси минимал иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарга оширилди, бу эса пенсионерларнинг пенсия ёшига етганда кўпроқ пенсия олишини кафолатлайди.

Мамлакатимизда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилганига 12 йилдан ошганлигини инобатга оладиган бўлсак, бу даврда тизим иштирокчилари ва жалб қилинган маблағлар динамикаси ўзгаришини 3-расмда кўришимиз мумкин.



**3-расм. ФЖБПТ маблағлари ва иштирокчилари<sup>16</sup>**


Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий

<sup>15</sup> [http://pfru.uz/uz\\_Cyrl/page/518/давлат\\_пенсия\\_таъминоти\\_тизимини\\_ислоҳ\\_этиш\\_концепцияси\\_лойиҳаси](http://pfru.uz/uz_Cyrl/page/518/давлат_пенсия_таъминоти_тизимини_ислоҳ_этиш_концепцияси_лойиҳаси).

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди

этилгандан буён тизим иштирокчиларининг сони ва маблағлари бир-бирига мутаносиб равишда ўсиб келаётгани юқорида келтирилган 3-расмдан кўришимиз мумкин (3-расм). 2010 йилда жами 6468,6 минг кишидан жами 404,6 млрд.сўм маблағ жалб қилинган бўлса, 2016 йилга қадар ушбу кўрсаткичнинг ўсиб бориш тенденцияси кузатилган, 2019 йилда 12021,1 минг кишидан 3746,7 млрд.сўм жалб қилинган.

